

**Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитасининг марказий апарати
таркибий бўлинмалари, ҳудудий органлари ва унинг идоравий мансуб
тузилмаларида фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш
ТАРТИБИ**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси (кейинги ўринларда матнда “Қўмита” деб юритилади)нинг марказий апарати таркибий бўлинмалари, ҳудудий органлари ва унинг идоравий мансуб тузилмаларида фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби (кейинги ўринларда матнда “Тартиб” деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддасига, Ўзбекистон Республикасининг 446-П-сон “Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонунига (кейинги ўринларда матнда “Қонун” деб юритилади), Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 29 мартдаги 140-сон “Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида иш юритиш ва ижро назоратини ташкил этиш бўйича норматив ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорига асосан Қўмита марказий апарати таркибий бўлинмалари, ҳудудий органлари ва унинг идоравий мансуб тузилмаларида фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартибини ва муддатларини белгилайди.

2. Мазкур Тартиб Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ва тиклашга йўналтирилган.

3. Хорижий давлатларнинг фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Қўмита марказий апарати, ҳудудий органлари ва унинг идоравий мансуб тузилмаларига Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ мурожаат этиш ҳуқуқига эгадирлар.

4. Фуқаролар мурожаатлари, агарда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида уларни кўриб чиқишнинг бошқача тартиби белгиланган бўлса, ушбу ҳужжатга мувофиқ кўриб чиқилмайди.

II. Фуқаролар мурожаатларига қўйиладиган талаблар

5. Мурожаатларда фуқаронинг фамилияси (исми, отасининг исми), турар жойи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган, ариза мазмуни, таклиф ёки шикоятнинг моҳияти баён этилган бўлиши шарт.

6. Ёзма мурожаатларда мурожаат этувчининг имзоси бўлиши лозим. Мурожаатга шахсий имзо қўйиш имкони бўлмаган тақдирда, бундай мурожаат уни ёзиб берган шахснинг имзоси билан тасдиқланиб, унинг фамилияси, исми, отасининг исми ҳам ёзиб қўйилади.

7. Фуқаронинг фамилияси (исми, отасининг исми), яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилмаган ёки у ҳақда сохта маълумотлар кўрсатилган, шунингдек имзо қўйилмаган ёзма мурожаатлар аноним деб ҳисобланади ва кўриб чиқилмайди.

III. Фуқаролар мурожаатлари шакллари ва турлари

8. Фуқаролар мурожаатлари ёзма ёки оғзаки шаклда киритилади. Ёзма ва оғзаки мурожаатлар бир хил аҳамиятга эга.

9. Фуқаролар мурожаатлари якка тартибда ёки жамоа томонидан берилиши мумкин.

10. Фуқаролар мурожаатлари ариза, таклиф ёки шикоят кўринишида бўлиши мумкин.

Фуқаронинг Давлат ва жамият, шу жумладан қўмита, унинг ҳудудий органи ва идоравий мансуб тузилмалари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган тавсиялардан иборат мурожаати – таклиф деб аталади.

Фуқаронинг ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини амалга оширишда ёрдам сўраб ёзган мурожаати – ариза деб аталади.

Фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини тиклаш тўғрисидаги талаби баён этилган мурожаати – шикоят деб аталади.

11. Мурожаат ариза, таклиф ва шикоятга улар юзасидан илгари қабул қилинган фуқародаги мавжуд қарорлар (ёки уларнинг нусхалари), шунингдек мурожаатни кўриб чиқиш учун зарур бўлган бошқа ҳужжатлар ҳам илова қилиниши мумкин.

IV. Фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби

12. Қўмитанинг Марказий аппарати, ҳудудий органлари ва унинг идоравий мансуб тузилмаларида фуқароларнинг ёзма ва оғзаки мурожаатлари (кейинги ўринларда матнда “мурожаатлар” деб юритилади) белгиланган тартибда кўриб чиқилиши шарт.

13. Қўмита раиси ўринбосарлари, Қўмита марказий аппарати таркибий бўлинмалари, ҳудудий органлари ва унинг идоравий мансуб тузилмалари раҳбарлари мурожаатларни кўриб чиқиш ва ҳал этишда ишнинг тўғри ва аниқ ташкил этилганлиги, шунингдек фуқароларни қабул қилишни амалга ошириш тартиби учун шахсан жавобгардирлар.

Фуқароларнинг мурожаатлари, агар улар қўйилган масалаларни ҳал этиш Қўмита ваколати доирасига кирмайдиган бўлса, узоғи билан беш кунлик муддат ичида тегишли органларга жўнатилади ва бу ҳақда фуқарога хабар қилинади. Мурожаатларни кўриб чиқиши учун бошқа давлат органларига асоссиз равишда бериш ёки қарори ёхуд ҳаракати устидан шикоят қилинаётган давлат органлари ёки мансабдор шахсларнинг ўзига жўнатиш ман этилади. Агар фуқароларнинг мурожаатларида уларни тегишли органларга жўнатиш учун зарур маълумотлар бўлмаса, бу мурожаатлар худди шу муддат мобайнида асослантирилган тушунтириш билан фуқаронинг ўзига қайтарилади.

14. Мурожаатларни ҳар томонлама ва холисона кўриб чиқиш учун қўшимча ахборот, маълумотномалар ва материалларга зарурат пайдо бўлганда, мазкур мурожаатни кўриб чиқаётган мансабдор шахс томонидан қўшимча маълумот тўпланиши мумкин.

Мурожаатни кўриб чиқаётган мансабдор шахс зарур ҳолларда мурожаатни жойнинг ўзида кўриб чиқилишини таъминлаши керак.

Алоҳида ҳолларда, мурожаат этган шахснинг ўзи ёки бошқа шахс йўқлигида мурожаатни кўриб чиқишнинг имкони бўлмаса, улар Қўмитанинг мансабдор шахси томонидан қақирилиши мумкин.

15. Мурожаатларни кўриб чиқишда фуқароларнинг шахсий ҳаётига доир маълумотномаларни уларнинг розилигисиз, шунингдек давлат сири ёхуд қонун билан қўриқланадиган бошқа сир ҳисобланган маълумотлар, агар фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари камситилган бўлса, бошқа ахборотлар Қўмита ходимлари томонидан ошкор этилишига йўл қўйилмайди.

Мурожаатга алоқаси бўлмаган фуқаронинг шахси ҳақидаги маълумотларни суриштириб билиш таъқиқланади. Фуқаронинг илтимосига биноан унинг шахсига доир бирорта маълумот ошкор этилмаслиги керак.

16. Фуқаронинг мурожаатларини (таклиф, ариза ва шикоят) кўриб чиқувчи мансабдор шахслар мажбуриятлари:

амалдаги қонунчиликнинг меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларига асосан қарорларни қабул қилиш ва уларни ижро этилишини таъминлаш;

мурожаатда баён этилган илтимос рад этилса, фуқарога ёзма равишда асослантирилган тушунтириш билан жавоб қайтариш;

мурожаатни мазмунига қараб ҳар томонлама, холисона ва ўз вақтида кўриб чиқиш, зарур бўлганда керакли ҳужжатни талаб қилиш, мурожаатда қайд этилган ҳолларни текшириш мақсадида ходимларни жойларга юбориш, мурожаатни холисона кўриб чиқиш учун бошқа чораларни кўриш;

қабул қилинган қарорлар устидан амалдаги қонунчиликка мувофиқ бўлмаган ҳолатларни бекор қилиш, ёки ўзгартириш, ғайриқонуний ҳаракатларни олдини олиш учун тезкор чоралар кўриш, бундай ҳаракатларни юзага келтирувчи сабаблар ва шароитларни аниқлаш;

фуқаронинг камситилган ҳуқуқлари тикланиши ва шикоят бўйича қабул қилинган қарорларни амалда ижро этилишини таъминлаш;

фуқароларга уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига тааллуқли ҳужжатлар, қарорлар билан танишиб чиқишларига имконият яратиш;

фуқароларга уларнинг шикоятлари устидан қабул қилинган қарорлар ҳақида ёзма равишда хабар бериш, илтимослари рад этилган тақдирда асослантирилган тушунтириш бериш ва бундай вазиятда қабул қилинган қарор устидан шикоят қилиш тартибини тушунтириш;

кўриб чиқиш натижалари тўғрисида ва қабул қилинган қарорнинг моҳияти ҳақида ёзма шаклда хабар қилиш.

17. Мурожаатлар бўйича қарорлар Қўмита марказий аппаратида - раис, раис ўринбосарлари ва Қўмита раисининг махсус фармойишига биноан бундай ҳуқуққа эга бўлган бошқа мансабдор шахс томонидан, Қўмитанинг ҳудудий органлари ва идоравий мансуб тузилмаларида эса - уларни раҳбарлари томонидан қабул қилинади.

18. Такрорий мурожаатлар деганда бир фуқаронинг ўзидан бир хил масала юзасидан қайта мурожаат қилиниши назарда тутилади. Бундай мурожаатларда:

қўмиитага келган аввалги мурожаат бўйича қабул қилинган қарор устидан шикоят қилинади;

муурожаат келиб тушгандан сўнг унинг кўриб чиқилиши қонунчиликда белгиланган муддатдан ўтказиб юборилган бўлса, ушбу мурожаат ўз вақтида кўриб чиқилмаётгани ҳақида хабар берилади;

аввалги мурожаатни кўриб чиқиш ва ҳал этишда йўл қўйилган камчиликлар кўрсатиб ўтилади.

19. Агар мурожаатда қўйилган барча масалалар кўриб чиқилиб, улар бўйича зарур чоралар кўрилган бўлса ва уларга амалдаги қонунчиликка мувофиқ қуйидагилар тўғрисида, яъни:

илтимоснинг тўлиқ ёки қисман қондирилгани ва қўмиита ваколати доирасидаги масалалар бўйича чоралар кўрилганлиги тўғрисида;

муурожаатдаги илтимосни қаноатлантиришда рад жавоби берилиши ёки илгари кўриб чиқилган мурожаат бўйича қабул қилинган қарорнинг тасдиқланиши тўғрисида;

аризачининг Қўмиита ваколати доирасига тааллуқли бўлмаган масалаларини ҳал этиш тартибини тушунтириш тўғрисида жавоблар тўлиқ берилган бўлса, бундай мурожаатлар ҳал этилган деб ҳисобланади.

20. Муурожаатни аноним деб топиш раҳбарнинг муносабат белгиси (резолүцияси) билан масъул этиб тайинланган таркибий бўлинма томонидан амалга оширилади ва икки кунлик муддатда аноним деб топиш тўғрисида тегишли далолатнома тузилади. Ушбу далолатномада муурожаатни аноним деб топиш асослари тўлиқ кўрсатилиши шарт.

Аноним деб топиш тўғрисидаги далолатнома таркибий бўлинма масъул ходими ва раҳбари томонидан имзоланиб, Раис ўринбосарлари томонидан тасдиқланади ва кўриб чиқилмасдан ушбу далолатномага асосан назоратдан олинади.

V. Фуқароларнинг ёзма муурожаатларини кўриб чиқиш муддатлари

21. Муурожаатларни кўриб чиқиш муддатлари Қўмиита марказий аппарати таркибий бўлинмалари, ҳудудий органлари ва идоравий мансуб тузилмаларида белгиланган тартибга мувофиқ, рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб, календарь кунлари бўйича ҳисобланади.

22. Олий Мажлис палаталари, Президент Девони ва Вазирлар Маҳкамасининг топшириғи билан келган муурожаатларни кўриб чиқиш муддатлари (агар ҳужжатда бошқа муддат кўрсатилмаган бўлса) улар томонидан топшириқ жўнатилган кундан эътиборан, календарь кунда ҳисобланади.

23. Фуқаролардан келган ҳар бир муурожаат бўйича муурожаатни кўриб чиқувчи ва ҳал қилувчи мансабдор шахслар Қўмиитада рўйхатга олинган кундан бошлаб беш кун ичида қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилишлари лозим:

муурожаатни Қўмиита марказий аппаратида кўриб чиқилиши;

муурожаатни Қўмитанинг ҳудудий органлари ва идоравий мансуб тузилмаларига ҳал этиш учун юборилиши;

муурожаатда кўтарилган масалалар Қўмиита ваколатига тааллуқли бўлмаса, уни бошқа тегишли давлат органига юборилиши ҳақида.

Мурожаат бошқа давлат органи ёки бошқа тегишли идорага юборилганда муаллифга Қўмитада рўйхатга олинган кундан бошлаб беш кун ичида ёзма равишда хабар берилади.

24. Фуқаролардан бевосита келиб тушган таклиф, ариза ва шикоятлар қўмитада рўйхатдан ўтказилган кундан эътиборан бир ой муддатда, қўшимча ўрганишни ва текширишни талаб қилмайдиган мурожаатлар эса – ўн беш кундан кечиктирилмай кўриб чиқилади (агар раҳбар топшириғида бошқа муддат кўрсатилмаган бўлса).

Ариза ёки шикоятни кўриб чиқиш учун текшириш ўтказиш, қўшимча материаллар талаб қилиб олиш ёки бошқа чора-тадбирлар кўриш зарур бўлган ҳолларда, ариза ёки шикоятни кўриб чиқиш муддати Қўмита раиси томонидан истисно тариқасида узоғи билан бир ойга узайтирилиши мумкин ва бу ҳақда ариза ёки шикоят берган шахсга маълум қилинади. Шунда мурожаатларни кўриб чиқиш умумий муддатлари қўмитага келиб тушган (рўйхатга олинган) кундан бошлаб икки ойдан ошмаслиги лозим.

25. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Президент Девони ва Вазирлар Маҳкамасининг топшириғи билан келган мурожаатлар (аниқ ижро муддати кўрсатилган ёки маълумот тақдим этилиши талаб этилган ҳолатлар) бўйича асослантирилган тушунтириш билан бирга ижро этиш муддатларини узайтириш ҳақида мурожаат қилинади. Шунда мурожаатларни умумий кўриб чиқиш муддатлари Қўмитада рўйхатга олинган кундан бошлаб икки ойдан ошмаслиги лозим.

VI. Мурожаатларни кўриб чиқишда фуқароларнинг шахсан иштирок этиш ҳуқуқлари ва Қўмита мажбуриятлари

26. Қўмита томонидан мурожаатлар кўриб чиқилганда, мурожаатнинг кўриб чиқилиши жараёни ҳақида ахборот олиш, вазларини шахсан баён этиш ва изоҳлар бериш, мурожаатни текшириш материаллари ҳамда кўриб чиқиш натижалари билан танишиш, қўшимча ҳужжатлар тақдим этиш ёки уларни бошқа органлардан сўраб олиш тўғрисида илтимос қилиш, адвокат ёки ўз вакили хизматларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Мурожаатни кўриб чиқаётган қўмитанинг мансабдор шахслари - Қўмита Марказий аппарати таркибий бўлинмалари, ҳудудий органлари ва унинг идоравий мансуб тузилмалари раҳбарлари фуқароларга уларнинг ҳуқуқи, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахлдор ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини таъминлашлари шарт.

27. Қўмита марказий аппарати таркибий бўлинмалари, ҳудудий органлари ва унинг идоравий мансуб тузилмалари раҳбарлари мурожаатларни кўриб чиқишда қонунга хилоф ҳаракатларнинг (ҳаракатсизликнинг) дархол олдини олишга доир чора-тадбирлар кўришлари, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини бузилишига олиб келаётган сабаблар ва шароитларни аниқлашлари, мурожаат қилганликлари муносабати билан фуқаролар таъқиб қилинишини белгиланган тартибда олдини олишлари, мурожаатларга кўриб чиқиш натижалари ва қабул қилинган қарорлар мазмуни ҳақида ёзма равишда фуқарога маълум қилишлари шарт.

Ариза ёки шикоят бўйича қарор қабул қилган мансабдор шахслар, агар фуқаро қарорга рози бўлмаса, унга қабул қилинган қарор устидан шикоят бериш тартибини тушунтиришлари шарт.

VII. Фуқароларни қабул қилиш

28. Фуқароларни қабул қилиш Қўмита раиси, унинг ўринбосарлари, Қўмита марказий аппарати таркибий бўлинмалари, ҳудудий органлари ва унинг идоравий мансуб тузилмалари раҳбарлари томонидан доимий равишда амалга оширилади. Фуқароларни қабул қилиш Қўмита раиси томонидан тасдиқланади “Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси раҳбарияти томонидан фуқароларни қабул қилиш кунлари жадвали”га мувофиқ амалга оширилади.

29. Қўмита раиси ва унинг ўринбосарлари, шунингдек масъул мансабдор шахслар фуқароларни қабул қилиш пайтида оғзаки мурожаат қилинган бўлса, мазкур мурожаатни рўйхатга олиш ҳужжатлар айланмаси электрон дастурига бир вақтнинг ўзида қайд қилинади.

Фуқаро оғзаки мурожаат этаётганда ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни, турар жойи ҳақидаги маълумотларни кўрсатиши ва Қўмитанинг Назорат бўлими масъул ходимига рўйхатга олиш назорат варақасини тўлдириш учун мурожаатнинг қисқа мазмунини тушунтириши керак.

30. Фуқароларни қабул қилишда Назорат бўлимининг масъул ходими ҳамда фуқаро томонидан қўйилган масалаларни малакали ҳал этилишини ва тегишли Қўмита марказий аппарати таркибий бўлинмалари, ҳудудий органлари ва унинг идоравий мансуб тузилмалари ходимларини таклиф этилишини ёки улардан олдиндан зарур маълумотлар олинишини таъминловчи шахс иштирок этадилар.

Қабул вақтида қабул қилувчи раҳбар томонидан қабул натижалари юзасидан қабул қилинган топшириқлар ёки қарорлар тўғрисида Назорат бўлими ходими ҳужжатлар айланмаси электрон дастуридаги назорат-карточкасига барча маълумотларни қайд этиб боради.

31. Қабулга келган фуқароларнинг мурожаатларида кўтарилган масалалари иложи борича қабул пайтида ҳал этилиши лозим. Бунда уларни қабул қилувчи шахслар ўз ваколатлари доирасида қуйидагилар тўғрисида қарор қабул қиладилар:

илтимосни қаноатлантирадилар ва фуқарога қабул қилинган қарорни ижро этиш тартибини маълум қиладилар;

илтимосга рад жавобини берадилар ва бунинг сабаблари ҳамда қабул қилинган қарор устидан шикоят қилиш тартибини тушунтирадилар;

фуқаронинг илтимосида кўрсатилган масалалар юзасидан қўшимча ўрганиш ва текширув ўтказилиши талаб қилинса, ёзма ариза қабул қилинади ва қабул вақтида мурожаатда кўрсатилган масалалар ҳал этилмаслиги сабаблари, уни кўриб чиқиш тартиби ва муддатларини тушунтирадилар;

мурожаат этувчининг масаласини ҳал этиш Қўмита ваколатига тегишли бўлмаса, қабул қилувчи шахс унга қайси давлат органи (ташкилот ёки муассаса)га мурожаат этиш зарурлигини оғзаки тушунтиради ва имконига қараб тегишли ёрдам кўрсатади.

32. Қабул тугагач, фуқаро мурожаатида кўтарилган масала юзасидан масъул тегишли бошқарма томонидан баённома тузилади ва раҳбариятга тасдиқлаш учун киритади. Раҳбарият томонидан тасдиқланган баённома асли масъул бошқарма томонидан Назорат бўлимига топширилади. Назорат бўлими томонидан қабул ўтказилиши юзасидан тасдиқланган баённомани тарқатиш варағи тузилиб тегишли ижрочиларга юборилади

ҳамда баённомада кўрсатилган барча маълумотлар ҳужжатлар айланмаси электрон дастуридаги назорат карточкасига киритилади ва тегишли топшириқ бўлган тақдирда назоратга олинади.

33. Фуқарони қабул қилиш, агар унинг бир неча бор қилган муурожаати асоссиз, қонунга хилоф хусусиятда бўлса ёки унинг муурожаати бўйича қарор қабул қилиб бўлинган бўлса, рад этилиши мумкин.

VIII. Иш юритиш ва фуқароларнинг ёзма муурожаати ҳаракати ҳамда муурожаатлар кўриб чиқилишини назорат қилиш тартиби

34. Қўмита марказий аппаратида фуқаро муурожаатлари билан ишлаш (рўйхатдан ўтказиш, назоратини олиб бориш) бошқа ҳужжатлардан алоҳида тартибда Қўмитанинг “Назорат бўлими тўғрисида”ги низомга мувофиқ Назорат бўлими томонидан юритилади.

Қўмитанинг ҳудудий органлари ва унинг идоравий мансуб тузилмаларида фуқаро муурожаатлари билан ишлаш (рўйхатдан ўтказиш, назоратини олиб бориш) раҳбар томонидан тайинланган масъул ходим зиммасига юклатилган.

35. Фуқаро шахсан муурожаат этишга, шунингдек бунинг учун ўз вакилини юборишга ҳақлидир.

Ариза, таклиф ва шикоятга улар юзасидан илгари қабул қилинган фуқародаги мавжуд қарорлар (ёки уларнинг нусхалари), шунингдек муурожаатни кўриб чиқиш учун зарур бўлган бошқа ҳужжатлар илова қилиниши мумкин.

Қўмитага юқори турувчи органлар (Олий Мажлис, Президент Девони, Вазирлар Маҳкамаси), шунингдек, газета, журналлар муҳарририятлари, телевидение, радио ва бошқа ташкилотлардан келган муурожаатлар Қонунда белгиланган муддатларда кўриб чиқилади, агар бошқа муддатлар кўрсатилмаган бўлса.

36. Қўмитанинг марказий аппаратида фуқаролар муурожаатларини қабул қилиш ва улар билан дастлабки иш олиб бориш Назорат бўлими томонидан амалга оширилади. Ҳужжатли конвертлар, шу жумладан буюртмали конвертлар очилади ва ундаги барча ҳужжатлар мавжудлиги (иловаларни ҳисобга олган ҳолда) текширилади.

Муурожаатларда - фуқаронинг фамилияси (исми, отасининг исми), турар жойи тўғрисидаги аниқ маълумотлар кўрсатилганлигини, ариза мазмуни, таклиф ёки шикоятнинг моҳияти баён этилганлигини ҳамда албатта ариза ёзган шахснинг имзоси мавжудлиги текширилади.

Ҳужжат этишмаган ёки бирор жойига шикаст етган ҳолларда икки нусхада далолатнома тузилади ва биринчиси Назорат бўлимида қолади, иккинчиси эса пакетни юборган ташкилот ёки фуқарога юборилади.

Нотўғри манзилга юборилган ҳужжатлар янги конвертларга солиниб (ўзининг конвертлари билан бирга) тегишли манзилга жўнатилади, ёки хат муаллифига қайтарилади.

Фуқаролардан келган конвертлар (хат муаллифининг манзили, хатни жўнатиш ва олиш вақтини аниқлаш мумкин бўлиши учун) ташлаб юборилмайди.

Муурожаатлар билан Назорат бўлими томонидан дастлабки иш олиб борилганида ҳужжатларда (муурожаатда) биринчи варағининг пастки қисмида рўйхатга олиш махсус штампини қўяди (25-илова), рўйхатга олиш рақами, санаси ва туркумларини қайд этади

ва тўғридан-тўғри барча маълумотларни ҳужжатлар айланмаси электрон дастурига киритади. Рўйхатга олиш рақами – тартиб рақам – хатнинг қайси ташкилот ёки фуқародан тўғридан-тўғри келганлигига қараб бош харфлари билан белгиланган туркумлари Назорат бўлимининг индекси – вилоятлар индекси – туманлар индексидан иборатдир (туркумланиши, вилоятлар ва туманлар индекслар **26-илова**да келтирилган).

Мурожаатлар рўйхатга олингандан сўнг мазмун-моҳиятига қараб раис ёки унинг ўринбосарлари қабулхонасига топширади. Раис ёки унинг ўринбосарлари томонидан олинган мурожаатга аниқ масъул ижрочи ва топшириқ моҳияти кўрсатилган ҳолда муносабат белгиси (резолюция) ёзилади, сўнгра Назорат бўлимига қайтарилади. Назорат бўлими томонидан раҳбар муносабат белгиси (резолюция) ва қолган тегишли барча маълумотлар ҳужжатлар айланмаси электрон дастурига тўлдирилади ва мурожаат нусхалари топшириқ билан масъул ижрочиларга рўйхатга олиш–назорат карточкасида (**27-илова**) имзо қўйдириб, ижро этишни ташкиллаштириш учун берилади. Назорат бўлими назорат карточканинг бир нусхасини ижро учун масъул бошқармага мурожаатнинг бир нусхаси билан беради ва мурожаатларнинг асли ва рўйхатга олиш назорат карточкасининг иккинчи (масъул ижрочилар томонидан имзо қўйдирилган) нусхаси назоратни олиб бориш ҳамда йиғмажилдларни шакллантириш учун ўзида қолдиради.

37. Ёзма мурожаатда баён этилган масаланинг ҳал этилиши Қўмитанинг бир нечта мансабдор шахсларига топширилган бўлса, унда раҳбар муносабат белгисида (резолюцияда) раис ўринбосаридан кейин фамилияси биринчи ёзилган шахс масъул ижрочи ҳисобланади ва мурожаатни ўз вақтида ва сифатли кўриб чиқилишини таъминлайди. Муносабат белги(резолюция)да фамилияси биринчи ёзилган раис ўринбосари назорат учун жавобгардир. Агар ҳудудий органлар ва унинг идоравий мансуб тузилмалари раҳбарлари биргаликда ижро этувчилар бўлган тақдирда, Қўмита марказий аппаратининг масъул ижрочиси керакли маълумотлар, ҳужжатларни улардан талаб қилади ва умумлаштиради.

Масъул ижрочи умумлаштирилган ҳужжатларга асосан ҳужжатни назоратдан олиш учун унга назорат варақаси ва хат муаллифига ёзилган жавоб хати лойиҳасини илова қилган ҳолда мазкур топшириқни берган раҳбарга натижалар тўғрисида ёзма ахборот киритади.

38. Мурожаатларга ёзилган жавоб хатлари раҳбарият томонидан имзолангандан сўнг масъул ижрочи томонидан жавоб хатининг асл нусхаси муаллифга юбориш учун Умумий бўлимга топширади ҳамда мурожаат билан боғлиқ барча ҳужжатлар нусхаларини Назорат бўлимига назоратдан олиш, йиғмажилдларни шакллантириш ва сақлаш учун “Ҳужжатлар тўплами топшириш-қабул қилиш далолатномаси”ни тузиб унга илова қилган ҳолда қайтаради (**28-илова**).

Қўмитанинг ҳудудий органларида ва унинг идоравий мансуб тузилмаларида кўриб чиқилган мурожаатлар билан боғлиқ ҳужжатлар, мазкур мурожаат бўйича иш юритувчи мансабдор шахсга, тасдиқланган йиғмажилдлар номенклатурасига мувофиқ, сақлаш учун топширилади.

39. Назорат бўлими зиммасига қўмита марказий аппарати таркибий бўлинмаларида, ҳудудий органларида ҳамда унинг идоравий мансуб тузилмаларида

мурожаатларни кўриб чиқилиши аҳволини танқидий ўрганиш ва амалий ёрдам кўрсатиш назорати юклатилади.

Назорат бўлими қўмита фаолиятида, мурожаатларни амалдаги қонунчиликда белгиланган меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва мазкур Йўриқнома асосида кўриб чиқилиши тизимини такомиллаштиради ва назорат қилади, ўз ваколати доирасида жойлардаги фаолиятни ўрганиш, танқидий баҳо бериш ва амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида қўмита раиси ёки унинг ўринбосарлари топшириғига биноан хизмат сафарларига боради.

40. Хизмат сафарида асосий эътибор қуйидагиларга қаратилади:

мурожаатда қайд этилган саволлар тўлиқ кўриб чиқилиши ва ижро муддатларига риоя этилиши;

мурожаат ҳолисона текширилган, қабул қилинган қарорлар қонуний ва асосланган бўлишига;

мурожаат юзасидан хат муаллифига ёзма жавоб берилганлигига;

мурожаатлар тўғрисидаги амалдаги қонунчиликнинг меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларида ва мазкур Йўриқномада белгиланган бошқа талаблар бажарилишига қаратиши лозим.

41. Мурожаатларни назоратдан олиш тўғрисидаги қарор Қўмита раиси томонидан қабул қилинади.

Мурожаатларга, агарда Қўмитанинг масъул ижрочиси томонидан оралиқ жавоблар бериладиган бўлса, назоратдан олинмайди.

42. Мурожаатларни кўриб чиқиш ва назорат қилиш бўйича асосий ишлар СХЕМА бўйича амалга оширилади. (29-илова)

IX. Фуқароларнинг мурожаатлари билан олиб бориладиган иш таҳлили ва тавсияномаларни тайёрлаш

43. Фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилишини юзага келтирувчи сабабларни ўз вақтида аниқлаш ҳамда жамоат фикрини ўрганиш ва Қўмитанинг ишини такомиллаштириш мақсадида фуқароларнинг ёзма ва оғзаки мурожаатлари ҳамда уларда баён этилган танқидий мулоҳазалари белгиланган тартибда умумлаштирилади ва мунтазам таҳлил этиб борилади.

Умумлаштириш ва таҳлил этиш жараёнида асосий эътибор жойларда ҳал этилиши мумкин ва лозим бўлган масалалар бўйича такроран юборилган ва жамоа номидан шикоят беришга, шунингдек фуқароларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, газета ва журнал таҳририятларига мурожаат қилишга мажбур этадиган сабабларни бартараф этишга қаратилган бўлиши зарур.

44. Назорат бўлими ҳар чоракда келган мурожаатлар (шу жумладан Қўмита раҳбарияти томонидан шахсий қабул қилиш кунларида олинган мурожаатлар) бўйича ўтказилган умумлаштириш ишлари ва таҳлил натижалари юзасидан фуқароларни қабул қилиш ва уларнинг мурожаатлари билан боғлиқ ишларнинг ташкил этилишини янада такомиллаштиришга оид муайян таклифлардан иборат маълумотномани тайёрлаб, Қўмита раисига тақдим этади.

45. Умумлаштириш ишлари ва ўтказилган таҳлил натижалари ҳар ҳафтада Қўмитанинг ишчи мажлисларида ва ҳар чоракда Ҳайъат йиғилишларида кўриб чиқилади.

Х. Қўмита мансабдор шахсларининг фуқаролар мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлиги

46. Фуқароларнинг мурожаатларини қабул қилишни ва кўриб чиқишни асоссиз равишда рад этиш, уларни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузиш, қонунга зид қарор қабул қилиш, фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари тикланишини ҳамда шикоят муносабати билан қабул қилинган қарор бажарилишини таъминламаганлик, фуқарога унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини беришни асоссиз равишда рад этиш ёки фуқароларнинг шахсий ҳаётига доир маълумотларни уларнинг розилигисиз ошкор этиш, фуқарони мурожаат қилганлиги учун таъқиб қилиш, шунингдек фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бошқача тарзда бузиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Фуқаролар мурожаатларини рўйхатга олиш махсус штампи

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASINING
XUSUSIYLASHTIRISH, MONOPOLIYADAN CHIQRISH
VA RAQOBATNI RIVOJLANTIRISH DAVLAT
QO'MITASIDA
FUQAROLARNI QABUL QILISH XAT
VA ARIZALARNI KO'RIB CHIQRISH**

KIRIM _____

“ _____ ” _____ 20__ y.

Ўзбекистон Республикаси вилоятлари, шаҳарлари ва
туманлари рўйхати ва рақамлари

1 - Қорақалпоғистон Республикаси		2 - Андижон		3 - Бухоро		4 - Жиззах		5 - Қашқадарё		6 - Навоий		7 - Наманган	
1	Нукус ш.	1	Андижон ш.	1	Бухоро ш.	1	Жиззах ш.	1	Қарши ш.	1	Навоий ш.	1	Наманган ш.
2	Тахияташ ш.	2	Асака ш.	2	Когон ш.	2	Ариасой т.	2	Деҳқонобод т.	2	Зарафшон ш.	2	Мингбулоқ т.
3	Амударё т.	3	Хонобод ш.	3	Бухоро т.	3	Бахмал	3	Касби	3	Кармана т.	3	Косонсой
4	Беруний	4	Андижон т.	4	Вобкент	4	Ғаллаорол	4	Китоб	4	Конимех	4	Наманган
5	Кегейли	5	Асака	5	Жондор	5	Жиззах	5	Косон	5	Навбахор	5	Норин
6	Қонликўл	6	Балиқчи	6	Когон	6	Дўстлик	6	Миришкор	6	Нурота	6	Поп
7	Мўйноқ	7	Булоқбоши	7	Олот	7	Зомин	7	Муборак	7	Томди	7	Тўрақўрғон
8	Нукус	8	Бўз	8	Пешку	8	Зарбдор	8	Нишон	8	Учқудуқ	8	Учқўрғон
9	Тахтақўпир	9	Жалақудуқ	9	Рамитон	9	Зафаробод	9	Қарши	9	Хатирчи	9	Уйчи
10	Тўрткўл	10	Избоскан	10	Шофиркон	10	Мирзачўл	10	Қамаши	10	Қизилтепа	10	Чортоқ
11	Хўжайли	11	Мархамат	11	Қорақўл	11	Пахтакор	11	Чироқчи			11	Чуст
12	Чимбой	12	Олтинкўл	12	Қоравулбозор	12	Фориш	12	Шаҳрисабз			12	Янгиқўрғон
13	Шуманай	13	Пахтаобод	13	Ғаждувон	13	Янгиобод	13	Яккабоғ				
14	Элликқалъа	14	Улунгур					14	Ғузор				
15	Қораузак	15	Хўжаобод										
16	Қўнгирот	16	Шахрихон										
		17	Қўрғонтепа										
8 - Самарқанд		9 - Сурхондарё		10 - Сирдарё		11 - Тошкент вил.		12 - Фарғона		13 - Хоразм		14 - Тошкент ш.	
1	Самарқанд ш.	1	Термиз ш.	1	Гулистон ш.	1	Ангреш ш.	1	Фарғона ш.	1	Урганч ш.	1	Бектемир т.
2	Каттақўрғон ш.	2	Ангор т.	2	Шириш ш.	2	Бекобод ш.	2	Қўқон ш.	2	Богот т.	2	Миробод
3	Булунгур т.	3	Бандихон	3	Янгиер ш.	3	Олмалик ш.	3	Қувасой ш.	3	Гурлан	3	М.Улугбек
4	Жомбой	4	Бойсун	4	Боёвут т.	4	Оҳангарон ш.	4	Марғилон ш.	4	Қўшқўпир	4	Сирғали
5	Иштихон	5	Денов	5	Гулистон	5	Чирчиқ ш.	5	Бешариқ т.	5	Урганч	5	Олмазор
6	Каттақўрғон	6	Жарқўрғон	6	Мирзаобод	6	Янгийўл ш.	6	Бағдод	6	Хазорасп	6	Учтепа
7	Нарпай	7	Музработ	7	Оқолтин	7	Бекобод т.	7	Бувайда	7	Хива	7	Шайхонтоҳур
8	Нуробод	8	Олтинсой	8	Сардоба	8	Бўка	8	Данғара	8	Хонқа	8	Хамза
9	Оқдарё	9	Сарносие	9	Сайхунобод	9	Бўстонлик	9	Ёзёвон	9	Шовот	9	Чилонзор
10	Пайариқ	10	Термиз	10	Сирдарё	10	Зангиота	10	Қува	10	Янгиариқ	10	Юнусобод
11	Пастдарғом	11	Узун	11	Ховос	11	Оққўрғон	11	Олтиариқ	11	Янгибозор	11	Яккасарой
12	Пахтачи	12	Шеробод	12	Бахт	12	Оҳангарон	12	Охунбобоев				
13	Самарқанд	13	Шўрчи			13	Паркент	13	Риштон				
14	Тайлоқ	14	Қизириқ			14	Пискент	14	Сўх				
15	Ургут	15	Қумқўрғон			15	Тошкент	15	Тошлоқ				
16	Қўшработ					16	Чиноз	16	Ўзбекистон				
						17	Юқори Чирчиқ	17	Учқўприк				
						18	Янгийўл	18	Фарғона				
						19	Ўрта Чирчиқ	19	Фурқат				
						20	Қибрай						
						21	Қуйи Чирчиқ						

№	Қайси ташкилотлардан ёки фуқаролардан бевосита	Тартиб рақамидан кейин чизиқча қўйилиб
1.	Фуқаролар мурожаатлари Олий Мажлис топшириқлари билан	—ОМ
2.	Фуқаролар мурожаатлари Президент Девони топшириқлари билан	—ПД
3.	Фуқаролар мурожаатлари Вазирлар Маҳкамаси топшириқлари билан	—ВМ
4.	Фуқаролар мурожаатлари бошқа ташкилотлардан тегишлилиги бўйича юборилган	—ТФ
5.	Фуқаролардан бевосита келиб тушган	—Ф
6.	Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали келиб тушган	—ЕП
7.	www.istemolchi.uz портали орқали келиб тушган	—ИП

Масалан: 01-Ф/33-14-7

Изоҳ: (“01”тартиб рақам-“Ф”фуқародан бевосита келиб тушган/“33”Назорат бўлимининг 2013 йилдаги йиғмажилдлар номенклатураси бўйича индекси-“14”Тошкент шаҳар индекси-“7”Шайхонтоҳур тумани индекси)

Рўйхатга олиш–назорат варақаси
Фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш

№	Ҳисобга қўйиш варақаси	Кимнинг номига
Мурожаат этувчи (манзили, телефон рақами)		
Илгариги мурожаатнинг рўйхатга олиш рақами Ҳужжат тури кирим санаси, иловаси		варақда
Назорат тури		
Ариза ёки мурожаатнинг қисқача мазмуни		
Раҳбар топшириғи:		
Ижрочи		
Ижро муддати		

Ижрочиларга рўйхатга олиш–назорат варақасида имзо қўйдириб бериш

(Рўйхатга олиш варақасининг орқа томони)

Ижро этиш ҳолати		
Ижрога берилган	Кимга юборилган (ижрочи)	Назоратга олинганлигини қайд этиш
Ҳужжат олинган санаси, ижрочи индекси		
Мазмуни		
Назоратдан олинган	Масъул ижрочи имзоси, сана:	
Назорат:		

**Фуқаролар мурожаатларини шакллантириш учун алоҳида яратилган
ЙИҒМАЖИЛДЛАР**

O'zbekiston Respublikasining xususiylashtirish,
monopoliyadan chiqarish va raqobatni rivojlantirish
Davlat Qo'mitasida fuqarolarni hamda tadbirkorlik
sub'ektlarini qabul qilish, xat va arizalarni ko'rib chiqish

Masalani mohiyati _____

XUJJAT

ro'y.No _____ sanasi _____ 201_y.

xujjat.No _____ sanasi _____ 201_y.

Arizachi _____
(familiyasi, ismi)

Ariza-shikoyatning qisqacha mazmuni _____

(qaysi masala)

IJRO ETILISHI:

Boshlandi _____
(yil, oy va kun)

Tugallandi _____
(yil, oy va kun)

Natijasi (choralar ko'rildi, tushuntirildi, rad etildi)

Фуқаролар муурожаатларини кўриб чиқиш ва назорат қилиш бўйича СХЕМА

Иш босқичлари	Иш масалалари	Бажариш муддатлари	масъуллар
Аризалар Назорат бўлими	Фуқаролардан тушган хатлар, шикоятлар ва аризаларни қабул қилиш ва улар билан дастлабки иш олиб бориш Фуқаролардан тушган ёзма муурожаатларни рўйхатдан ўтказиш, раҳбариятга киритиш	ёзма муурожаатлар тушган кунда	Назорат бўлими
Раис ва унинг ўринбосарлари ёрдамчилари	Фуқаролардан тушган ёзма муурожаатларга масъул ижрочиларни белгилаш, қўтарилган масалаларни кўриб чиқиш учун тегишли топшириқларни (резолуция) тайёрлаш, зарур ҳолларда ижро муддатини белгилаш ва раҳбариятга ахборот бериш ҳамда умумий бўлим (канцелярия)га нусхалар кўпайтириш учун қайтариш.	Икки кеча-кундузда	Раис ва унинг ўринбосарлари ёрдамчилари
Назорат бўлими	ҳужжатлар айланмаси электрон дастурига барча маълумотларни киритиш, раҳбарнинг топшириғига (резолуциясига) мувофиқ нусхаларни кўпайтириш ва 2 нусхада назорат карточкасини чиқариш	Ҳужжат олингандан сўнг 1 соат мобайнида	Назорат бўлими
Назорат бўлими,	Назорат учун масъул, масъул ижрочи, биргаликда ижро учун белгиланган бошқарма ходимлари, ҳудудий органлар ва идоравий мансуб тузилмаларига етказиш	Ҳужжат олинган кундан бошлаб икки кеча-кундузда	Назорат бўлими
Назорат учун масъул, масъул ижрочи, биргаликда ижро учун белгиланган бошқарма ходимлари, ҳудудий органлар ва идоравий мансуб тузилмалари	Ариза ва шикоятлардаги масалаларни кўриб чиқиш, агар зарур бўлса қўйилган масалани кўриб чиқиш учун комиссия тузиш, муаллиф иштирокида ўрганиб чиқиш, қўйи ташкилотлар билан бирга натижасини қайта ишлаш, аризага жавоб хати тайёрлаш ҳамда Раҳбариятга ахборот бериш. Жавоб хатини Умумий бўлим (канцелярия)га жўнатиш учун бериш ва тегишли ҳужжатлар нусхаларини далолатнома билан бирга Назорат бўлимига киритиш.	Ҳужжат Қўмигада рўйхатга олинган кундан бошлаб (ҳужжатда бошқа муддат белгиланмаган тақдирда) 15 календарь кун мобайнида, агар қўшимча ўрганиш талаб қилинганда 1 ой мобайнида бундан муаллифни ёзма равишда хабардор қилиб.	Назорат учун масъул, масъул ижрочи, биргаликда ижро учун белгиланган бошқарма ходимлари, ҳудудий органлар ва идоравий мансуб тузилмалари
Умумий бўлим (канцелярия), Назорат бўлими	Қабул қилинган қарорни муаллифга жўнатиш. Ариза, хат ва шикоятни назоратдан чиқариш, йиғмажилдларни шакллантириш.	Жавобни олган кундан бошлаб Икки кеча-кундузда	Умумий бўлим (канцелярия), Назорат бўлими